

Музейларга ташриф

2021 йилнинг 8 апрели куни Ер ресурсларини бошқариш факультетининг барча курслар гуруҳ мураббийлари гуруҳидаги барча талабаларни ўзлари бошчилигида Республика олимпия шон-шухрат музейининг кўчма виставкасига ва Ўзбекистон давлат табиат музейларига ташриф буюрдилар. Ташриф жараёнида талабалар олимпия шон-шухрат музейига қўйилган медаллар, кубоклар ва бошқа спорт анжомларининг тарихи. Республикамиз спортчиларининг эришган ютуқлари тўғрисида бир қатор маълумотларга эга бўлдилар. Мамлакатимиз спортининг кўзгуси ҳисобланган Олимпия шон-шухрати музейи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14-августдаги 284-сонли қарори билан ташкил этилган.



Музейнинг тантанали очилиш маросими 1996 йил 1-сентябрда ўтказилиб, унда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов ва Халқаро Олимпия қўмитасининг ўша пайтдаги президенти Хуан Антонио Самаранч иштирок этишганлиги бўйича талаба-ёшларга маълумотлар бериб музейи ходимлари томонидан маълумотлар бериб ўтилди. Ўзбекистон Олимпия шон-шухрати музейи Олимпизм қадриятларини ҳамда «ҳалол ўйин» тамойилларини тарғиб қилишда, Ўзбекистон спортчиларини оламшумул ғалабалари ва мамлакатимизда Олимпия харакатини ривожлантириш тарихи тўғрисида кенг жамоатчиликни боҳабар қилишда муҳим ўрин эгаллайди. Шу мақсадда музейда Ватанимиз спортчиларининг Олимпия ўйинлари ҳамда халқаро миқёсда ўтказиладиган нуфузли мусобақаларда қўлга киритган ғалабаларини ўзида акс эттирувчи турли мавзудаги экспозициялар ва кўرғазмали тадбирларни доимий равишда ташкил этилади.



Ўзбекистон Олимпия шон-шухрати музейида 2000 дан ортиқ экпонат ўрин эгаллаган бўлиб, шундан мингдан ортиғи доимий экспозицияга қўйилган. Музейда медаллар, кубоклар, маёқлар, почта маркалари, спорт анжомлари ва кийим-кечаклари кўп миқдорда кўрғазмага қўйилганги бўйича ҳам маълумотлар бериб ўтилди. Шунингдек талабалар Ўзбекистон давлат табиат музейида ҳам саёхат қилишган. Ушбу музейида Республикамиз ҳудудида учрайдиган турли ёввойи хайвонлар, қушлар ва уй хайвонларининг яшаш шароити тўғрисида қизиқарли маълумотларга эга бўлдилар.

ЕРБ факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини Ҳуррият Эшова ахбороти

ТИҚХММИ матбуот хизмати